Ушбу сонда:

2 *Таҳририят жавоб кутади* ВАЪДА БИЛАН МАКТАБ БИТАРМИДИ?

3 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 июн, шанба №96 (1110)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Касби туманидаги «Қашқадарё» хўжалиги бободеҳқонлари бу йилги сув тақчиллигига қарамасдан пахтадан мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилишаётир. Диспетчерлик бошқарув пулти орқали дала ишлари кузатиб турилиши эса ҳар бир томчи сувдан унумли фойдаланиш имконини бермоқда. Бу ерда маданий - маиший тадбирлар ҳам намунали амалга оширилаяпти. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаяпти.

Суратларда: оператор Сайёра Очилова; ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ АСЛО КАМ БЎЛМАС

Оролбуйи худуди кишилари Президентимиз, ҳукуматимизнинг катта мададини ҳис этиб яшамоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиққан ҳолда Оролбўйи минтақаси аҳолисини соғломлаштириш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан Раёсат қарорини қабул қилди. Унга мувофиқ жорий мавсумда Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг, Хоразм вилоятидан 5 минг нафар бола Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги энг сўлим, хушманзара оромгоҳларда дам олдирилади. Шунингдек, қорақалпоғистонлик 3 минг нафар, хоразмлик 1,5 минг нафар аёл вилоят касаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ажратилган бепул йўлланмалар билан июн-октябр ойларида санаторий ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилади. Шу мақсадга 250 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Репортаж

Куни кеча Оролбўйи аёлларининг биринчи навбати — 540 нафари пойтахтимиз ва республикамиз вилоятларидаги «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Умид гулшани», «Оқтош», «Бўстон», «Чортоқ», «Косонсой», «Нихол», «Марҳамат», «Нефтчи», «Чимён», «Ситораи Моҳи Хоса», «Жўй зар», «Абу Али ибн Сино», «Қашқадарё соҳили» каби сиҳатгоҳларга ҳордиқ чиқариб, даволаниш учун жўнатилдилар. Улар бу сиҳатгоҳларда ошқозон-ичак, юрак, қонтомир, асаб тизими, овқат ҳазм қилиш органлари, гинекологик, қандли диабет, нафас олиш, таянч ҳаракат органлари, буйрак, суяк-мушак, кардиология, умумий касалликлар бўйича юқори малакали шифокорлар хизматидан баҳраманд бўлиб, табиий ва физиотерапевтик муолажа оладилар.

(Давоми 3-бетда).

Она заминимизни тоза ва мусаффо сақлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи. Табиатни эъзозлаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш бизга ота-боболардан қолган қадимий қадриятдир.

Табиат ва биз

ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛ

Чунончи Қашқадарё вилоятида фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик софликни сақлаш ва уни келажак авлодларга етказиш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, унинг жойлардаги назорат бўлинмалари, касаба уюшмалари кенгашлари, «Экосан», «Соғлом авлод» халқаро жамғармалари билан ҳамкорликда табиат муҳофазасига қаратилган тадбирлар амалга оширилаяпти.

Текширишлар ўтказилиб, табиатни асраш қонун-қоидаларини бузган айбдорлар ўз жазосини олмоқда. Лекин, жарима ва огоҳлантиришлар билан иш битмайди. Ҳар кимнинг виждони ва табиат олдида фарзандлик бурчи бор.

Ҳокимлик ва «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан вилоятда «Экология ва саломатлик» кунлари ўтказилди. Шаҳарлар, қишлоқлар, маҳалла ва хўжаликлар, иш жойлари ҳамда аҳоли хонадонларида санитария-гигиена ва экологик маданияти ўн кунлигининг якуни сифатида шанбалик уюштирилди. Умумхалқ ҳашарида 1 миллионга яқин киши иштирок этиб, атроф-муҳитнинг санитария ҳолатини яхшилаш юмушларида қатнашдилар.

Биргина «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасидан шанбаликда 3 минг нафарга яқин киши қатнашиб, улардан 1400 нафари ўз иш жойларида ишлади. Шу куни 48 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунинг бир қисми «Экология, оналик ва болалик» дастурини амалга ошириш ва бошқа ижтимоий масалаларига сарфлаш учун «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди.

Умумхалқ ҳашарида Қаршидаги «Дунё - М» хиссадорлик жамияти, «Муборакнефтгазмонтаж» трести, вилоят газ таъминоти бошқармаси, «Қаршиуйқурилиш» очиқ хиссадорлик жамияти ва бошқа жамоалар фаол қатнашдилар.

Хайрли тадбирдан «Бизнес-фонд» вилоят бошқармаси ҳам четда қолгани йўқ. Кези-келганда, фонд томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мослаштирилган Китобдаги «Анзур» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига 6,6 миллион, Қарши туманидаги «Равшан БА» кичик корхонасига «Тадбиркорбанк» орқали 10 миллион, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Феруза» деҳқон хўжалигига 2 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлигини таъкидлаш жоиз.

— Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳида ўтказилган «Экофестивал - 2001» барчада унутилмас таассурот қолдирди, - дейди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э.Ражабов. — Фестивал доирасида «Бизнес ва экология» мавзуида учрашувлар, «Қашқадарё вилояти: саломатликнинг минтақавий муаммолари» мавзуида халқаро конференция, санъат усталари ижросидаги концерт дастурлари фуқароларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалдан тушган маблағ «Экология», «Оналик ва болалик» дастурини амалга ошириш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларига сарфланади.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир бир қанча аниқ чора-тадбирлар кўрилганлигини, унда тижорат банкларининг роли анча ошганлигини қайд этади.

Миллий валютани конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони жиддий равишда кенгаймоқда, алмаштириш шохобчалари сони кўпайди, хорижий валюта сотиб олиш тартиби соддалаштирилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳамда нақд валютани конвертация қилиш кўламларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон бозорига конвертация қилинадиган валюта тушумини кескин кўпайтириш учун мавжуд имкониятлар ва ресурсларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини шакллантириш ва экспортга ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтиришга доир бугунги кунда олиб борилаётган ишлар танқидий қайта кўриб чиқилсин.

Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши (Ў.Султонов) ушбу масалалар бўйича ишларни танқидий баҳоласин ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 2002-2005 йилларга мўлжалланган аниқ таклифлар киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида инфляция даражасини пасайтиришга, макроиқтисодий барқарорлик даражасини оширишга, ички бозорни рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдириш бўйича сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш ва пул механизмлари устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш учун эркин муомаладаги валютада Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

мижозларнинг ваколатли банклар томонидан жалб қилинган бўш валюта маблағларининг бир қисми;

валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан ваколатли банкларда қоладиган ва талаб этилмаган маблағларнинг бир қисми;

кафолатли етказиб бериш бўйича ва экспортнинг белгиланган прогнозидан ортиқча юқори ликвидли маҳсулотларни хорижий компаниялар ва фирмаларга сотишдан олинган валюта тушуми;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта активларини бошқаришдан олинадиган хорижий валютадаги даромадлар.

Белгилансинки, жалб этиладиган бўш валюта маблағларини Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтиришда олинадиган маржа суммаси ваколатли банклар даромадларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланади.

5. Кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2001 йил 1 июлдан бошлаб:

микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинсин;

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОР МАБЛАҒИ ЎЗИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояда

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Натижада мулк шакли тубдан ўзгарди, бошқарув тизими такомиллашди. Энг муҳими, боқимандалик кайфиятига барҳам берила бошланди.

Бундан беш йил олдин чимбойлик ишбилармон ва тадбиркор Нурулла Қипчоқбоев ҳам замон билан ҳамнафас бўлиш мақсадида «Сакен» фермер хўжалигини ташкил этган эди. «Майжап» ширкат хўжалигидан ер олиб шоли экди. Дастлабки йили шартнома бўйича ширкат хўжалигига 27,5 тонна маҳсулот топширди.

Кейинги йилларда Амударёнинг қуйи қисмида, Оролбўйи ҳудудларида сув тақчиллиги юз бергани сабабли шоличиликни қисқартира бориб, чорвачилик билан шуғуллана бошлади. Бу соҳада ҳам Н.Қипчоқбоев бошчилик қилган фермер хўжалиги яхши натижаларга эришди.Шартномада белгиланган маҳсулотларни етказиб берди. Бироқ, ширкат хўжалиги қабул қилиб олинган маҳсулотлар учун тегишли ҳақни беришни пайсалга солиб келди. Яъни, шоли учун 768301 сўм ва сут маҳсулотлари учун 322593 сўм маблағни фермер ҳисобига ўз вақтида ўтказмади.

Сарфланган ҳалол меҳнати зое кетаётганидан Н.Қипчоқбоев кўпгина идораларга елиб-югуриб қимматли вақтини йўқотишга мажбур бўлди. Ва, ниҳоят, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган кичик ва ўрта ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими унинг жонига оро кирди. Бўлим аралашуви натижасида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди қарори билан «Майжап» ширкат хўжалиги ҳисобидан «Сакен» фермер хўжалиги учун тегишли ҳақ тўла-тўкис ундириб берилди. Яъни, 27,5 тонна шоли учун 768301 сўм ва етказилган зарар учун қўшимча 384150 сўмлик маблағ ҳамда 1996-2000 йилларда топширилган чорвачилик маҳсулотлари учун жами 645185 сўм фермер ҳисобига ўтказилди.

— Ходимларимиз ишбилармонлар ва деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишда муайян ишларни амалга ошириб улгурди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Азамат Боймуродов. — Фақат шу йилнинг ўтган даврида 15 дан кўпроқ даъво аризалари қаноатлантирилиб, салкам 13 миллион сўмдан ортиқ меҳнаткашлар ҳақи ундириб берилди.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборат.

(Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Уставидан).

ПЕНСИОНЕР МОИСЕЕНКО:

«ШУНДАЙ БЎЛИШИГА ИШОНАРДИМ»

Жиззах вилояти агроқурилиш 2-трестининг бош механиги Николай Моисеенко 1987 йилнинг апрел ойида қарилик пенсиясига чиқди. Кўп йиллик иш тажрибаси, ишбилармонлигини инобатга олган трест раҳбарияти ундан пенсияси 50 фоизи миқдори билан тўлиқ штатда ишлаб қолишини таклиф қилишди. Маълумки, 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ишлаб турган барча пенсионерларга тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш кунида бандлигидан қатъий назар, белгиланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланмоқда. Шундай қилиб, Меҳнат кодексининг 96-моддасига биноан шартнома тузилди. Аммо, негадир 1999 йилнинг январ ойидан бошлаб Н.Моисеенконинг иш ҳақи 3-4 ойга кечикди. Пенсияси ҳам тўхтаб қолди. Трест раҳбарларига неча бор мурожаат қилса-да ҳеч қандай ижобий жавоб ололмади. Бу ҳол шу алпозда 2000 йилнинг октябр ойигача давом этди. Аризалари натижа бермагач, пенсиясини тўлиқ олиш ниятида ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзди. Вазифасидан озод этилгандан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Тоқати тоқ бўлган Н.Моисеенко трестдан пенсиясини, унинг устига 1996 йилдан 1999 йил охиригача дивидент пулларини ва иш ҳақларини ололмаганлиги тўғрисида тармоқ касаба уюшма қўмитасига ариза билан мурожаат қилди. Аризада келтирилган далиллар тўлиқ тасдиқланди. Лекин очиқ турдаги хиссадорлик жамияти (собиқ трест) раиси Ўринбой Ниёзов пенсия ва дивидентни қандай бўлмасин тўламаслик учун турли баҳоналар ўйлаб топиб: «Трест жамоасининг йиғилиши Н.Моисеенкога 50 фоиз пенсиясини тўламасликка қарор қилган», деди. Лекин асос бўладиган на қарор, на мажлис баёни бор эди. Тармоқ касаба уюшма қўмитасининг аралашуви билан пенсионер шу пайтгача ололмаган иш ҳақининг маълум қисми, яъни 123 минг сўм ундириб берилди.

Даъвогар катта умид боғлаган ҳолда вилоят касаба уюшмалари Кенгашига ёзма мурожаат билан чиқди. Аризани синчиклаб ўрганиб чиққан бўлим мудири Турсунбой Ниёзов ҳақиқатни ойдинлаштирди ва «Хумо» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти раҳбариятига Н.Моисеенкога 92094 сўм пенсия ва 42390 сўм дивидент пулларини бир ҳафта ичида тўлаши шартлиги ҳақида талабнома юборди.

Газета саҳифаланаётганда, Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгашидан телефон орқали шу йилнинг 13 июн куни 31-сонли чиқим ордери билан «Хумо» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти Н.Моисеенкога пенсия ва дивидент пулларини тўлиқ берилганлигини маълум қилишди.

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

ЧЎЛ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Чўлни тасмадек кесиб ўтган бу йўлларда қумтепалар, уларда ўсган юлғину саксовуллардан, йўлингизни онда-сонда кесиб ўтадиган юмронқозиғу калтакесаклардан бўлак жонзот йўқдек. Ҳадеб бир хил манзарани кўравериш ҳар қандай йўловчини ҳам зериктиради. Офтоб селида жимирлаётган қум барханларига тикилиб эснайсан киши. Кейин, бирдан хушёр тортиб, кўзларинг чарақлаб очилиб кетади...

Қонимех тумани марказидан 150-200 километр олисликдаги Боймурот, Учтепа овуллари чўл бағридаги чаманга ўхшайди, гўё. Бу ерларда ҳаёт қайнайди. Одамлар яхши яшаш, яратиш ишқи билан банд.

I. БОЙМУРОТ

Айдаркўлнинг шундоқ кунботиш тарафида ястаниб ётган «Абай» ширкат хўжалигига қарашли сўлим бу маскан шу ном билан юритилади. Чўлда турар жойларни бу ерларга биринчи келиб ўрнашган ёки қудуқ қазиб сув чиқарган кишилар номи билан аташ урф бўлган. Холмурот, Умемурот, Галақудуқ ... шулар жумласидан.

Чўлни кесиб ўтган асфальт йўлдан ўнгга бурилишингиз билан худди шаҳар типидаги қўрғонга кириб қолгандек бўласиз. Буюк қозоқ оқини Абайнинг маҳобатли сурати сизни кулиб қаршилайди. Шунинг ўзиёқ бу ерда қондош ва жондошларимиз — қозоқлар ва қорақалпоқлар мустаҳкам қўним топганидан дарак беради. Чорвачилик — боймуротликлар учун ота қасб. Хўжаликдаги 120 тадан ортиқ оилавий пудратда 80 минг бошдан ортиқ қўй-қўзилар парвариш қилинмоқда.

Бу ерда меҳнатни ташкил қилиш, ишловчиларга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш намунали йўлга қўйилган. Хўжалик 1999 йилни 35 миллион сўмлик соф фойда билан якунлаган бўлса, 2000 йилда соф фойда 136.380 минг сўмни ташкил этди. Ширкат аъзолари олинган даромаддан меҳнатларига яраша улуш олдилар.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшмасининг қўшма қарори билан тўл мавсумини муваффақиятли якунлаган чорва ферма ва отарларига 2 миллион 491 минг сўм мукофот пули ажратилди.

Хўжаликда бу йилги қўзилатиш мавсумига ҳам уюшқоқлик билан киришилди. Мусобақа якунларига кўра I ўринни олган ферма 150 минг, II, III ўринни олган фермалар эса 125-100 минг сўм пул билан тақдирланишди. Ҳақиқий меҳнат ғолиблари йил якуни бўйича яна рағбатлантирилиши белгилаб қўйилди.

Боймуротликлар жуда-жуда болажон халқ. Шунинг учунми, мактаб, боғча, шифохона дейилдими, бас, маблағни аяб ўтиришмайди. «Қўйнингдан тўкилса қўнжингга, ёшлар эртанги кунимиз, улардан ҳеч нарсани аямаймиз», - дейишади улар.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 5 та умумтаълим мактабида 1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Кам даромадли оилаларнинг фарзандларига бепул дарсликлар олиб берилди. Шунингдек, 50 ўринли болалар боғчаси қайтадан таъмирланиб, ишга туширилиши учун 550 минг сўм ажратилди. 14 хилдаги қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олинди.

Ферма отарларидаги ночор оилалар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг доимий оталиғида бўлиб, байрамлар ва бошқа оммавий тадбирлар муносабати билан улар ҳолидан хабар олиб турилибди. Хўжалик томонидан кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандига суннат тўйлари ўтказилиши, совға-салом билан бирга улар номига пул ўтказилган омонат дафтарчаларини берилиши энг яхши тадбирлардан бири бўлди.

II. ҚИЗИЛҚУМ

Бу маскан Учқудуқ, Томди яйловларига мутлақо ўхшамайди. Шамолда доимо кўчиб юрадиган қизилқум билан қоплангани учун хўжалик ҳам шу ном билан юритилади. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси ўз сафида 495 нафар меҳнатчиларни бирлаштирган. Уларнинг барчаси чорвачилик тармоқларида меҳнат қилишади.

Дарвоқе, Қизилқумда чорвадан бўлак тармоқнинг ўзи йўқ. Яйловларида 60 минг бошдан зиёд қўйлар, оту туялар ўтламоқда. Улар ўз ютуқлари билан мақтанишни унчалик хушламайдилар, мусобақа ғолибларини тақдирлашни эса ҳеч қачон унутмайдилар. Шу боис ҳам бу йил қўзилатишда юқори кўрсаткичга эришган кўплаб отар чорвадорлари қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлишди. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси қарийб 70 фоизга етди.

Ишлаб чиқаришда эришилаётган натижалар аҳолини тўла ижтимоий ҳимоялаш имконини бермоқда. Хўжалик марказидаги шинам шифо маскани, фермалардаги ўқув даргоҳлари ҳам жамоа мададини ҳис этиб турибди. Овулдаги нафақахўрлар, кам таъминланган оилаларнику, кўяверинг.

Биргина ўтган йили кам даромадли ва боқувчисини йўқотган оилаларга 600 минг сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам даромадли оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишга 200 минг сўм ажратилди. Овулдаги 5 нафар бола 50 минг сўмлик кийим-кечак, келин туширган 8 оила 80 минг сўмлик тўёна олишди.

Хўжаликда оналар ва болалар йили муносабати билан аёлларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, айниқса, уларнинг соғлом ва етук фарзандлар тарбиялашдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Агар ўтган йили аёлларни маънавий рағбатлантириш учун 763 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, жорий йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 100 минг сўмликдан ошди. 5 нафар ногирон бола эса хўжаликнинг доимий оталиғига олинган.

Маданий, спорт-соғломлаштириш тадбирларига ҳам муҳим масала сифатида қаралмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан жамоада, ферма ва отарларда катта байрам тадбирлари ўтказилди. Ўтган йили хўжалик ҳудудидаги 3 та мактабдан жами 100 нафар чўпон болалари дам олишган. Туман ташқарисидаги соғломлаштириш оромгоҳларида 25 нафар боланинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун 98 минг сўм сарфланган эди. Қизилқумликлар соғлиқни сақлашга катта эътибор қаратишади. Шу боисдан ҳам ҳудуддаги шифохона ҳар йили хўжалик ҳисобидан таъмирланади, жиҳоз олишга ёрдам берилади. Айниқса, касб байрамлари куни соғлиқни сақлаш ходимларини эслаб баҳоли-қудрат совғасалом топширишади.

Маданият уйида эса 120000 сўмлик қурилиш ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва бошқа маданий хайрия тадбирларига 700 минг сўм сарфланди. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деганлари шу бўлса керак-да.

Хўжаликда аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида ишлаётган тикув цехи ишчилари сони ой сайин ортиб бормоқда.

Қизилқумда ҳеч бўлганмисиз?! Унинг мард, танти ва дилкаш одамлари билан ҳеч суҳбат қурганмисиз, чўлнинг мусаффо ҳавосидан дилингиз энтикиб, кўзингиз қувнаганми?! Мустақиллик насими бу ерларга, одамлар онги ва шуурига ўзи учун, ўз республикаси учун яшаш ва ишлаш завқу сурурини бошлаб келганига ўн йил бўлмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни, валюта тушумини белгиланган тартибда экспорт қилувчиларнинг ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда, банк муассасалари кассалари орқали нақд хорижий валютага экпорт қилишга рухсат этилсин.

6. 2001 йил 1 июлдан бошлаб хорижий компаниялар ва фирмаларга юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини кафолатланган ҳажмларда эркин алмаштириладиган валютага сотиб олишга доир эксклюзив ҳуқуқ берилсин.

Белгилансинки:

товарлар муқобил банк кафолати ёки суғурта полиси остида ҳақини олдиндан тўлаш шартларида етказиб берилади;

юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турлари экспорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилмасдан олдиндан етказиб бериш шартларида сотилади;

юқори ликвидли маҳсулотларни кўрсатиб ўтилган шартларда сотишдан тушган валюта тушуми биржадан ташқари бозорнинг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин курси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотилади, мақсадли равишда Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк икки ҳафта муддатда:

юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини кафолатли ҳажмларда кимошди асосида сотиш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

2001 йилнинг иккинчи ярим йиллигида сотиш учун ажратиладиган юқори ликвидли товарлар турлари ва ҳажмлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг қуйидаги операциялар бўйича хорижий валютани харид қилиш ва сотишни 2001 йил 1 июлдан бошлаб биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин курсига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш;

асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашё, материаллар ва хизматлар импорти;

янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш;

хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш;

хизмат сафари харажатлари.

Ваколатли банклар экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун сўмларда қисқа муддатли кредитлар беришни кенг жорий этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда 2001 йил 1 июлгача биржадан ташқари валюта бозорида талаб ва таклиф асосида эркин алмаштириладиган валютани сотиш ва харид қилиш бўйича савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Биржадан ташқари валюта бозорининг эркин курси бўйича хорижий валютани сотиб олувчи корхоналар 2001 йил 1 июлдан бошлаб эркин алмаштириладиган валютани харид қилишга беш фоизли йиғим тўлашдан озод қилинсин.

10. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, шу жумладан, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига янада кўпайтириш билан боғлиқ таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари:

валюта-алмаштириш операцияларини кўпайтириш учун эркин алмаштириладиган валютадаги ресурсларни жалб қилиш воситаларидан кенгроқ фойдаланиш;

банкларарo кредит, шу жумладан, хорижий валютадаги кимошди савдоларини янада ривожлантириш ва улар ҳажмларини кўпайтириш;

туристик комплекслар, савдо марказлари, буюм бозорлари, аэропортлар ва божхона постларида алмаштириш шохобчалари тармоқларини қўшимча равишда кўпайтиришга доир комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 103-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Белгилансинки, жисмоний шахслар - норезидентларга туристик хизматлар, шунингдек, йўловчиларни авиация ва темир йўлларда ташиш, валюта тушуми белгиланган тартибда инкассация қилинган ҳолда, махсус кассалар орқали хорижий валютада кўрсатилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молиявий ва иқтисодий тузилмалар билан иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари ва босқичларини ҳамда валюта сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ҳамкорлик кенгайтирилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 июн.

Ижтимоий ҳимоя

ТОМ МАЪНОДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК

Ҳозирги кунда солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда. «Солиқ кодекси», «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунлар ишни бир маромда, изчил амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Қаерда малакали, омилкор кадрлар фаолият юритаётган бўлса, ўша ерда тушум ва тўловларнинг бажарилиши кутилгандек бўлмоқда. Масаланинг шу томонини ҳисобга олиб, солиқ идоралари кадрларни танлаш, уларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар. Жумладан, ишга қабул қилинаётганлар тест синовидан ўтадилар. Омади юришганлар номзодлик мақомини олишади. Улар ўқув марказидаги тайёргарлик курсларида таҳсил олганларидан кейин имтиҳон топширадилар. Синовларда ўзини кўрсата билганларгина солиқ идораларига ишга тайинланадилар.

Ҳар қандай жамиятда аҳоли таркибида давлат ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган кишилар, жумладан, ногиронлар мавжуд. Мамлакатимизда улар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Ногиронлар учун солиқ қонунчилигида қатор имтиёзлар яратилган. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти хусусида тўхталсак.

Ушбу Фармонда фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда меҳнаткашларнинг Халқ банки муассасалари орқали тўлов ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва уни ўз вақтида ташкил этиш вазифаси юклатилган. Белгиланган тўловлар тўланишига қараб тушумлардан маълум фоиз улар ҳисоб рақамига ўтказилади. Демак, тушум қанчалик кўп бўлса, ажратилган фоиз миқдори ортиб боради. Бу яхши кўрсаткичга эга бўлган фуқаролар йиғини ўз ҳудудида яшовчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож фуқароларни, шу жумладан, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси билан яхшироқ шуғуллана олади, деган гапдир.

Ижтимоий ҳимоя масаласида Қамаши туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Бу ерда сўнгги ойларда 71 нафар ногиронинг уйи ташкилотлар ҳисобидан таъмирлаб берилди, уларга етарли миқдорда қурилиш материаллари ажратилди. Шу йилнинг 18 январида содир бўлган зилзила зарарини қоплаш мақсадида уруш ногиронларига 502 минг сўмлик фоизсиз ссуда ажратилди. Буларнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсатининг шарофатидир.

Фарҳод ШАРИПОВ,
Ғиёсиддин САФАРОВ,
Азамат СУЛТОНОВ,
Тошкент Молия институти магистрантлари.

БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР!

Шаҳрисабз туманидаги «Танхоз» автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси 51 километрлик Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туман йўлларига сифатли асфальт етказиб беришни ўз зиммаларига олишган.

— Йўлларимиз кенг ва ойнадай равон бўлишини, чет эл инвесторларини корхонамизга жалб қилиб ҳамкорликда йўлсозликнинг жаҳон андозаларига мос жиҳозларни келтиришни ҳамда вилоятда эмас, балки республикада ҳам етакчи корхоналардан бири бўлишини, йўлларимиз эса асло хорижникидан қолишмайдиган бўлишини дилдан истайман, — деди корхона раҳбари Алишер Ҳақбердиев «Туркистон-пресс» мухбирига.

Яқинда корхонада яна бир янги ишга қўл урилди. Электр двигателларни таъмирлайдиган блок ғишт, йўлак плиткаларини тайёрловчи қўшма цехлар қурилиб, яна 50 та иш ўринлари очиладиган бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу цехларнинг очилиши айни муддао бўлди. Бундан ташқари, лойиҳа нархи 52 миллион сўмни ташкил қиладиган янги тош майдалайдиган цехни кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Бу цех ишга тушгач, ишлаб чиқариш қуввати тўрт баробар ошади. Шу кечакундузда эса 200 кубометр шағал қайта ишланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланишига ҳам катта эътибор бериляпти.

ВАЪДА БИЛАН МАКТАБ БИТАРМИДИ?

Таҳририят жавоб кутади

Таҳририятимизга мактуб йўллаган касбилик муаллим Тўра Хидировнинг номасидан қурилиши бошланиб, шу пайтгача чўзилиб келаётган мактаб хусусидаги сатрларни келтирамиз:

«... 1992 йили қишлоғимизда янги мактаб қурилиши бошланди. Бундан ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарнинг қувончи чексиз эди. Афсуски, бу узоққа чўзилмади. Қурилиш бошландию ташланди. Қишлоқ аҳли эса ҳамон қурувчиларни орзиқиб кутишмоқда»...

Ушбу мактуб мазмуни билан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рахматилла Мусурмоновни таништирганимизда, у шундай деди:

— Муаллиф тўғри масалани кўтарган. Чунки ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун қулай шарт-шароит зарур. Вилоятда эса бундай қурилиши чала мактаблар яна бор.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Аҳмад Эсонов, туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳамроҳлигида «Уйрот» қишлоғида бўлдик. 300 нафарга яқин ўқувчи камида 3 километрни ташкил этадиган «Бойдоқчи» қишлоғидаги 11-мактабга пиёда қатнайди. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига қийин. Йўллар қишда лой, ёзда чанг-тупроқ. Устига устак иккала қишлоқни ажратиб турувчи анҳорга қурилган «қўлбола» кўприк ҳам омонат. Хуллас, уйротлик ўқувчиларга мактаб сув ва ҳаводек зарур. Шуни ҳисобга олган туман мутасаддилари яхши ниятлар билан 264 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишини 1992 йилда бошлаб юборишганди. Қурилишни Касбидаги 15-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари зиммаларига олдилар. Орадан кўп вақт ўтмай қурилиш бирданига тўхтаб қолди. 1997 йилда қишлоқ аҳли вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасига мурожаат қилганларидан сўнг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш бўлимига топширилсада амалий ишдан дарак бўлмади. Шундан сўнг вилоят ҳокимлигига мурожаат қилинди. Мазкур хат бўйича Касби туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича собиқ ўринбосари Ш.Сиддиқов имзоси билан йўлланган жавобда туя гўшти еган мактаб қурилишини вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси 2000 йилги дастурига киритиш режалаштирилгани баён этилганди. Лекин, ваъда ваъдалигича қолаверди.

Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Мустафо Ёқубов ҳузурида бўлдик.

— Мазкур мактаб қурилиши вилоят ҳокимлигининг дастурига киритилсагина, маблағ ажратилади. Бўлмаса иложимиз йўқ, — дейди у.

Ажабо! Вилоят ва туман ҳокимлигидаги мутасаддилар «Алдагани бола яхши» қабилида иш тутиб, мактаб қурилишини «Ана давом эттирамиз, мана давом эттирамиз», деб қачонгача ёлғон ваъдалар беришади? Таҳририят ана шу саволга улардан аниқ жавоб кутади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: «Уйрот» қишлоғидаги қурилиши тўққиз йилдан бери чўзилиб келаётган мактаб биноси.

Муаллиф олган сурат.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

Ўша қутлуғ айёмни куни кечагидай эслайман: олтин куз кириб келаётган дамлар эди. Мен учинчи синфга қатнар эдим. Бироқ ёш бўлсам-да ўша шодиёналарни унутмайман: ҳаммаёқда «Мустақиллик, Истиқлол, Озодлик» сўзлари янграрди.

БИЗГА ИШОН, ОНА ЮРТИМ!

Мана ўшанга ҳам ўн йил бўлиб қолибди. Залворли, забардаст, ҳар куни ойга, йилга татигулик 10 йил. Ўша пайт ўн ёш бўлган болалар ҳозир камолот ёшига етиб, мустақил юртимизнинг фахри бўлишга ҳаракат қилаётирлар. Бир қисми қунт билан билим эгалламоқдалар, бир қисми эса Ватан сархадларини қўриқлашдек муқаддас бурчни адо этишяпти.

Шуни фахр-ифтихор билан айтишим мумкинки, мен ҳам Ватан ҳимоячилари сафидаман. Мажбурий ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан сўнг ўз жойимда шартнома асосида хизмат қилиш учун қолдим. Мураккаб ҳарбий техникани қунт билан ўргандим. Энди уни ёш аскарларга ўргатяпман.

Ҳозир ҳамма сафдошларимнинг фикрию зикри энг қутлуғ байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллик тантаналарини сиёсий ва жанговар тайёргарликда аъло баҳолар билан кутиб олишга қаратилган. Шу қутлуғ айём арафасида юрак-юракдан шундай хитоб қилгим келади: «Фарзандларингга ишонавер, қадрдон Ватан!»

Умар ҚЎЛДОШЕВ,
катта сержант.

ПОЛКОВНИК ҚУРБОНОВ ФАРЗАНДЛАРИ

Разведкачилар бўлинмаси командири капитан Акмалжон Қурбонов 1973 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. У болаликдан ҳарбий ҳаёт нафаси билан ўсди. Чунки отаси — ҳозирда истеъфодаги полковник Истам ака Қурбонов узоқ йиллар ҳарбий соҳада фаолият кўрсатган. Акмалжон акаси Раҳматулла билан бирга ҳарбий бўлишга аҳд қилганида ҳали анча ёш эди.

Шу орзусининг рўёби сари илк қадам қўйиб, у саккизинчи синфни тамомлагач, Урганчдаги ҳарбийликка ихтисослашган махсус лицейга ўқишга кирди. Сўнгра ҳарбий-ҳаво қўшинлари билим юртида таҳсил олди. Ёш лейтенант ҳарбий соҳадаги илк фаолиятини десантчилар бўлинмасида взвод командири вазифасидан бошлади. Кейинчалик эса разведкачилар бўлинмасида штаб бошлиғи ёрдамчиси лавозимида хизмат қилди. Ҳозирда эса командир. Болалик орзуларининг сирдоши — акаси Раҳматулла Қурбонов ҳам ҳарбий соҳа вакили — подполковник. У Чегара қўшинларида хизмат қилмоқда.

Террорчи босқинчиларга қарши олиб борилган операцияларда ҳам қатнашган Акмалжон билан суҳбатимиз разведкачи аскарларнинг тоғ шароитидаги машғулотлари мавзусида бўлди.

— Жангда разведкачиларнинг хизмати муҳим ўрин тутади, - деди капитан А.Қурбонов. - Шунинг учун разведкачи аскарлар билан машғулотларга чиққанимизда тоғлик ҳудудларда кундузи ва кечқурунлари, ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамай отиш, пистирма қўйиш ва қидирув машқларини ўтказамиз. Мақсадимиз —шахсий таркибга машғулотлар давомида жангариларнинг кичик-кичик гуруҳларини, уларнинг ўқ-дори омборларини тоғ шароитида топиш ва йўқотиш, тунда махсус ускуналар ёрдамида отишни ўргатишдан иборат. Бунинг учун разведкачи аскарларимиз гуруҳларга бўлиниб, ҳаракат қилишади. Йигитларимиз шундай тайёргарлик кўришлари керакки, токи юртимиз тинчлигига раҳна солмоқчи бўлаётган қора кучлар сарҳадларимизга қадам босишга журъат қилолмасин!

Биз ўқув майдонида гуруҳ командирлари, аскарлар билан ҳам суҳбатлашдик, уларга яратилган шароит билан танишдик. Машқ жойидан бир олам таассурот билан ортга қайтдик. Ҳозир кўз ўнгимда аскар йигитларнинг чапдаст ҳаракатлари гавдаланар экан, лабларим беихтиёр пичирлайди: илоҳим бошларингиз тошдан бўлсин, Ватанимиз посбонлари!

З.ЮНУСОВА.

ТИББИЁТДА ҲАМ ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Одатда шифокорлар тўғрисида жуда кўп гапирамиз, улар ҳақида кўпдан-кўп мақолалар ўқиймиз. Аммо ҳарбий шифокорлик касби кўпинча назаримиздан четда қолади. Вахоланки, уларнинг ҳарбийлар саломатлигини сақлаш йўлидаги хизматлари беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган ҳарбий шифокорлар орасида ўз касбининг фидойилари жуда кўп. Тиришқоқ, билимга чанқоқ, немис, рус тилларида эркин гапирадиган ва ўз соҳасига меҳр қўйган ёш ҳарбий шифокор Улуғбек Расулов ана ўшалардан бири.

Улуғбек 1984-1990 йилларда ҳарбий-тиббиёт академиясида таълим олди. 1992 йили иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий госпиталда бошлади. Айни чоғда госпиталнинг қон томирлари бўлими бошлиғи, тиббиёт хизмати майори.

— Ҳаётимизда тиббиётнинг алоҳида ўрни бор, - дейди у, - бизда замонавий даволаш усулларининг кенг қўлланилаётганлиги, бу жараён энг янги асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилаётганлигини айтиб ўтмоқ керак. Лазерлар ёрдамидаги муолажа, компьютернинг медицинада кенг қўлланилаётганлиги, жарроҳликдаги янгиликлар фикримнинг далилидир.

— Ҳукуматимиз юрт посбонларининг соғлом ва бақувват бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бу эса Марказий ҳарбий госпитал жамоаси учун катта масъулият юклайди. Бу нарса нималарда намоён бўлаётир?

— Юртимиз истиқболи фақат соғлом авлод тарбиясига боғлиқ. Янги туғилган чақалоқ бир кун келиб юртимизни, халқимизни ҳимоя қилади. Юртимизнинг посбони, қўриқчисига айланади. Бугунги тиббиёт мана шу вазифани адо этиш учун хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

— Эшитишимизча, яқинда Германия сафаридан қайтибсиз. Олмон тиббиёти билан ўзимизнинг тиббиёт ўртасида фарқ ва ўхшаш жиҳатлар борми?

— Бугунги кунда ҳукуматимиз, Президентимиз ёшларни ўқитиш, ёш мутахассисларни тажриба ортттириш мақсадида хорижга жўнатишдек хайрли ишга бош бўлмоқда. Мен ҳам Бундесвер Марказий ҳарбий госпиталининг юрак ва қон томирлари жарроҳлиги бўлимида унинг фаолияти билан танишиб қайтдим.

Энг яхши ҳарбий шифокорларимиз



Албатта, ҳар иккала юрт тиббиётида ҳам ўхшаш, ҳам фарқли томонлари бўлиши табиий ҳол. Масалан, билим доираси хусусида деярли фарқ йўқ. Бу жиҳатдан мен жуда қувондим. Ҳатто биздан ўрганиш ҳам мумкин экан. Бироқ, замонавий тиббиёт уларда кенг ривож топган. Муолажа ва жарроҳлик энг замонавий асбоб-ускуналар воситасида амалга оширилади. Жарроҳликда ҳам янгиликка дуч келдим, яъни у ерда қон томирларини операция қилишда бемор танини кесмасдан, томирдан юборилган тиббий воситалар ёрдамидаги даволаш усули кенг қўлланилмоқда. Медицина тилида у эндоваскуляр усул деб аталади.

Мен бўлган бўлимнинг ўзида бир йилда 1100 та юрак ва қон томирлари жарроҳлиги амалга оширилар экан. Уларнинг аксариятида қатнашдим. Бу жараёнда иштирок этишим тажриба ортттиришимда фойда берди. Бундан ташқари, янги дўстлар билан қадрдон бўлишга улгурдим.

— Таъкидлаш керакки, тиббиёт алломаси Абу Али ибн Сино асарлари жаҳон медицинаси учун ҳам қимматли манба ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтганда бизнинг тиббиётдаги тажрибамиз хорижлик шифокорларни ҳам бефарқ қолдирмаса керак?

— Узоқ тарихга эга бўлган тиббиётимизга, ажиб ўлкамиз, фан ва маданиятимиз, иш фаолиятимизга чет элликлар жуда-жуда қизиқадилар. Шу мақсадда Бундесвер марказий ҳарбий госпитал жамоасининг шифокорларимиз билан ҳамкорликда ишлаш нияти бор. Улар бизнинг юртимизга келиб, ишлашга орзуманд. Дўстларимизнинг қутлуғ мақсадлари амалга ошиши учун ҳар жиҳатдан ёрдам беришга тайёрмиз.

Насиба ШАРИФ
қизи суҳбатлашди.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўтган йили ёзнинг охири ва кузнинг бошларида Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони» орқали телетомошабинларга тақдим этилган кўп серияли «Сардор» фильми кўпчиликка таниш. У республикамиз Қуролли Кучларининг олтин фонди — ёш офицерларнинг камолот йўли ҳақида ҳикоя қилган эди.

«Сардор»нинг постановкачи режиссёри, таниқли санъаткор Шавкат Маҳбубов ўз ижодида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини давом эттириб, яна бир катта қўламдаги ишга қўл урди.

«Сардор», шунингдек бошқа кўплаб фильмлар орқали томошабинларга яхши таниш бўлган актёр Фотиҳ Жалолов шундай дейди:

— Ҳар бир инсон учун унинг Ватани ўз уйининг остонасидан бошланади, - чегара эса Ватанимизнинг остонасидир. Биз ана ўша муқаддас остонани туну кун ҳушёрлик билан қўриқлаб турган Ватан фидойиларининг тўлақонли образларини яратишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.

Х.АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганларни хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

ҚУРБОНЛАР ЁДИ

Маросимда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков сўз олиб, фашизм устидан ғалаба қозонишда ҳамда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ўзбекистонлик жангчилар, фронт ортида заҳмат чеккан фидойилар катта ҳисса қўшганини таъкидлади.

Маросимда сўз олган уруш фахрийлари мамлакатимизда иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасини тиклаш йўлида катта ишлар амалга оширилганини айтди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилингани, «Хотира хиёбони» барпо этилгани бу ишларнинг узвий бир қисми экани қайд этилди.

Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов эса ўз сўзида мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари ва илгари сураётган ташаббуслари чуқур эътирофга сазовор бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг бу ташаббуслари ва уларни рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар беқиёс аҳамиятга эга, деди у.

(ЎзА).

АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ АСЛО КАМ БЎЛМАС

(Боши 1-бетда).

Репортаж

Дарвоқе, келиш ва кетиш билан боғлиқ барча йўл харажатларини Ўзбекистон Темир йўллари компанияси ўз зиммасига олган.

— Мен 35 йилдан бери Беруний номли 2-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқдаман, - дейди Қўшкўпир туманилик Набира Алиева. - Кўп вақтдан бери юрак касаллиги безовта қилади. Ёшим 55 га кирибдики, ҳали бирор жойга бориб даволаниш имкони бўлмаган эди. Оналар ва болалар саломатлигини ўйловчи меҳрибон Президентимиз бор бўлсинлар, мана бизга ҳам «Ниҳол»-дек довруғи чиққан сиҳатгоҳларда дам олиш насиб этди.

Яна шуни ҳам таъкидламоқчи эдимки, пойтахтда бизни аъло даражада кутиб олиб, темирйўлчилар Марказий маданият саройида ҳордиқ чиқаришимизни таъминладилар. Дошқозонларда ош дамлаб, йўл учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Барча-барчаси учун оилам, фарзандларим номидан ташаккур айтаман.

— Хўжайли туманидаги ғишт заводида 15 йилдан бери фаррош бўлиб ишлаб келаман, - дейди қорақалпоғистонлик Қуралай Сансизбоева. - Турмуш ўртоғим 2-гуруҳ ногирони. Илгарилари бу каби оммавий соғломлаштириш тадбирларига эътибор йўқ эди. Мана ҳозир оналар учун кўплаб шарт-шароит ва имтиёзлар яратилди. Ана шу ғамхўрликлар натижасида бугун мен каби оддий фаррош шу даражада эъзоз топиб, республикадаги машҳур сиҳатгоҳга ошқозон-ичак касалликлари бўйича шифо топиш мақсадида йўл олмоқдаман.

— Ўн нафар фарзандларнинг онасиман, - дейди Хоразм вилояти, Гурлан туманидан Фарғонадаги «Чимён» санаторийсига кетаётган Розия Тўлибоева. - «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида шоли, пахта етиштирамиз. Оёғим оғриб, юрак хасталигига учраганман. Мана шу дардлардан халос бўлиш учун сиҳатгоҳга бепул йўлланма ажратишди. Бунинг учун катта раҳмат. Мен бундай хайрли ишларнинг бошида турганларни доимо Яратганнинг ўзи қўлласин, дея дуо қиламан.

Вагонлар оралаб борар эканмиз, юрагидаги миннатдорлик изҳорини, ҳаяжон ила кўзларида порлаган кувончу хурсандчиликни икки оғиз сўз билан изҳор этиш истагида бўлган кўплаб аёлларнинг гурунгида бўлдик.

— Мустақиллик шарофати билан ерларимизга ўзимиз эгалик қилмоқдамиз, - дейди кўринишидан суяги меҳнатда қотганлиги билиниб турган Қонликўл туманилик онахон Турдигул Қаймуродова. - 15 гектар ерда фермерлик қилиб, пахта етиштираман. Беш нафар фарзандим бор. Оллоҳга шукр, улар ҳам ёнимга кирган. Меҳнатларимизни қадрлаган касаба уюшма қўмитаси дам олишимизни ҳам ўйлаб, бепул йўлланма ажратди. Ҳозир «Чимён» санаторийсига кетаяпман.

Суҳбат давомида Тахтакўпир туманилик ҳамшира Дамигул Соғинбоева Фарғонадаги «Чимён»га қон босими ва артрит касалликларидан, Гурлан туманилик 35 йилдан бери ўқитувчилик қилаётган Ўғилжон Нажмиддинова Андижондаги «Нефтчи» санаторийсига юрак, қонтомир касалликларидан даволаниш учун кетаётганликларини билдирдилар.

Хонқалик 2-гуруҳ ногирони Бекажон Эшжонова, гурланлик ўқитувчи Гулчеҳра Отажонова, қўшкўпирлик Муяссар Матёқубова, урганчлик Фароғат Машариповалар эса ўз миннатдорчиликларини газета саҳифалари орқали ушбу эзгу ва хайрли ишларнинг ташаббускорларига етказиб қўйишимизни илтимос қилдилар.

Уларни кузатиб қайтар эканмиз, онахону опа-сингилларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя борасида ўзларига яратилаётган шароит ва имтиёзлардан ҳурсанд чеҳралари анчагача кўз олдимиздан кетмади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч»нинг
махсус мухбири.

«Ишонч» фош этади

Давлатимиз ҳарбий хизматга чиқирилувчи айрим ёшларнинг соғлиғи ҳамда оилавий шарт-шароитларини инобатга олган ва мазкур масалага инсонпарварлик нуктаи назаридан ёндошгани ҳолда улар учун муқобил (альтернатив) ҳарбий хизматни ўташ чора-тадбирларини белгилаб қўйган. Лекин баъзи ёшларимиз муқобил хизматдан бўйин товлаётганликлари фактларига дуч келиб қолаётирмиз. Бу нарсага Урганч шаҳар прокуратураси ходими Ботир Дўсчонов билан мулоқотимизда амин бўлдик.

МУҚОБИЛ ХИЗМАТДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛАР

Ҳуқуқшуноснинг эътироф этишича, муқобил хизматдан бўйин товлаганлик учун Жиноят Кодексининг 225-моддасида маълум миқдордаги жарима ёки олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган. Яқинда Урганч шаҳрида истиқомат қиладиган Баҳром Бойжонов, Фарҳод Худойберганов, Хуршид Бакиевлар устидан ана шу модда бўйича жиноий иш қўзғатилиб, уларнинг ҳар бири 49 минг сўмдан жаримага тортилдилар. Судда улар ўзлари учун иш топа олмаганликларини айтдилар.

Бу бир баҳона, холос. Негаки, жойлардаги мудофаа ишлари ҳамда муқобил хизмат маҳкамалари бу борадаги масала ва муаммоларни тегишли ҳокимлик идоралари билан ҳамкорликда аллақачон ҳал қилишган. Бу хусусда Хоразм вилояти, Урганч шаҳри ва туманлар ҳокимларининг тегишли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда ёшларнинг муқобил хизматни ўташи лозим бўлган корхоналар, хўжаликлар, идора ва ташкилотлар номлари аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Улар йўлланма билан муқобил хизматга келган ёшларни дарҳол ишга қабул қилиш ва маош белгилашга мажбурдирлар. Бу масалада бирон-бир тўсиқ ёки қаршилик ҳоллари шу пайтгача кузатилмади. Модомики, бундай ҳолат пайқаб қолинса, прокуратура, мудофаа ишлари бўлимлари ва маҳаллий ҳокимлик идоралари уни шу заҳотиёқ бартараф қилиш учун кенг ваколатларга эга.

Муқобил хизматга панжа орасидан қараганлардан яна бири Рустам Собировдир. Унга муқобил хизматни ўташ учун ғишт заводига йўлланма берилган эди. Лекин йигит у ерга бориб ишлашни хоҳламади. Шундан сўнг Р.Собировга Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 238-моддасига асосан анча миқдорда жарима солинди. Лекин йигит бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Яна хизматдан бўйин товлашда давом этди. Бу сафар у Жиноят Кодексининг юқорида эслатиб ўтганимиз 225-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баробари, яъни 73 минг 500 сўм миқдоридаги жаримага рўбарў бўлди.

Ҳа, бурчидан бўйин товлаганларнинг юзлари эл-юрт олдида ана шундай шувут бўлиши муқаррардир.

М.ЭШБОЕВ.

Илҳом

ТЎРТЛИКЛАР

Ҳижронларда куйган бир мен эмасман,
Висолга етмаган битта ўзимми?
Бир умр кутсам ҳам, э воҳ демасман,
Сенинг йўлларингга тикиб кўзимни.

***

Сенга лаззат берган, менга-чи оғу,
Сен-чун енгил бўлган — мен учун оғир.
Сен ғоз юрганингда мен қадди долман,
Чунки мен ростгўйман, сен эса олғир.

САККИЗЛИКЛАР

Шоир бўлолмадим сен ўйлагандек,
Васфингни битмоқ ҳам этмади насиб.
Гоҳида жасорат етмади андак,
Ғоҳ ўзни кўрмадим шеърга муносиб.

Йиллар ўтаверди йиллар кетидан,
Гоҳида қувлашиб, гоҳи қўл ушлаб.
Мен-чи қолавердим йўллар четида,
Шеър ҳам, сен ҳам охир кетдингиз ташлаб.

***

Мен сенга дўзахни кўрмайман раво,
Бу жазо сен учун бир қадар енгил.
Муҳаббат кўйида тортгилу жафо,
Муҳаббат юкидан ергача эгил.

Сен менга дўзахни тилама Тундан,
Дўзахнинг азоби мен учун осон.
Ки висол кулбамни четлаган кундан,
Бетўхтов ёқмоқда вужудим ҳижрон.

Темир ҚУРБОН.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ОБ-ҲАВОНИНГ ФОЙДАСИ

Мухбир режиссёрни саволга тутди:

— Айтинг-чи, худди ҳозиргидек ҳар доим ҳам барча спектакларга чипта топилмасдан томошабинлар зални тўлдириб туришадими?

Режиссёр жавоб бериш учун оғиз жуфтлаган эди, суфлёр ҳозиржавоблик қилди:

— Албатта, ҳалигидек, тинмасдан жала қуйса.

— Жала қуйса?! Кечирасиз, об-ҳавонинг бунга нима даҳли бор?

— Билсангиз, жала қуйганда транспорт камқатнов бўлиб, одамлар пана жой қидириб қолишади.

Абдулла АЙИЗОВ.

Муҳокама учун мавзу

«КИТОБ ОЛИБ БЕРИНГ, ОНАЖОН»

Тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги болакай онасининг қўлидан тортиб, китоб дўконига бошлайди, зорланиб, илтижо қилади:

— Ман айтган китоб шу ерда бор экан, олиб беринг, жон онажон.

— Бошимни қотирма, юр, кеч қоламиз.

— Йўқ, олиб берасиз, - бола астойдил йиғлашга тушади.

— Таътил бошланган бўлса, китобга бало борми, қолаверса, яқинда «лагер»га кетсанг.

— Ўқитувчимиз таътилда шу китобни ўқиб келинглар, деган. Ҳамма ўртоқларимда бор, жуда яхши китоб экан.

— Бўлди, ўртоқларингдан олиб ўқирсан, - жаҳл билан ўғлини силтаб ташлади она.

Бўйнида олтин занжир, қўлида қўша-қўша узук таққан жувон ўғилчасининг илтижоларини эшитмагандек, заргарлик дўконига кириб кетди... Дарҳақиқат, «Шарқ зиёкори» китоб дўконида болаларга аталган китоблар жуда кўп эди... Қайси китобни олмоқчи экан, болакай?! Уни хурсанд қилиш ниятида «Ўзбек халқ эртаклари»ни харид қилиб, ташқарига отилдим... Аммо...

Ўйлаб қолдим: баъзида ота-оналар ўз орзулари рўёбга чиқмаслигига ўзлари сабабчи бўлиб қолмаяптимилар? Болаларни яхши тарбия топишлари учун уларни ёшлигиданоқ илмга даъват этиш керак. Уларнинг юрагида китобга меҳр уйғота билиш лозим. Афсус, шундай ота-оналар борки, зеб-зийнат, кийим-кечакларга катта пул сарфлайдилару китобга келганда иқтисодий қийинчиликни рўкач қиладилар. Биз ушбу масалани ойдинлаштириш мақсадида Акмал Икромов туманидаги Аҳмад Яссавий номли 203-мактаб кутубхона мудираси Феруза Ҳакимовага мурожаат қилдик:

— Болалар учун кутубхонамизда жуда кўп китоблар бор, лекин ўз хоҳиши билан ўқийдиган ўқувчилар кам, ўқийдиганлари ҳам кўпчилиги зиёли оилаларнинг фарзандлари.

Тил-адабиёт ўқитувчиси Муяссар опа Муталова бу фикрга қўшилиб, шундай деди:

— Шундайлар борки, китоб у ёқда турсин, болалар газетасининг номини ҳам билишмайди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳамма нарса эътибор талаб қилади. Дарахтни суғормаса, қуриб қолади, қушга дон бермаса, очликдан ўлади, аммо фарзандларимиз қуш ҳам эмас, дарахт ҳам эмас. Улар шу жамиятнинг бир парчаси, бизнинг эртанги кунимиз. Истардимки, ота-оналар фарзандларининг қўлига китоб тутсинлар ва шу билан бирга уларнинг маънавиятини бойитсинлар. Шундагина, ўғил-қизларимиз комил фарзандлар бўлиб вояга етадилар.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

Халқаро ажойиб эсперанто тилини яратган доктор Заменгоф 1877 йилда, шу ҳақда китоб ҳам ёзган. Китобда турли тиллардан олинган 1000 га яқин сўз ўзаги бор эди. Докторнинг ўзи ўн хил тил билган эди.

ЭСПЕРАНТОНИ БИЛАСИЗМИ?

Парижда «Эсперанто тилининг расмли тўла луғати» чоп этилди. Унда энди 15000 сўз ўзаги бўлиб, улардан бир неча юз минг янги сўз вужудга келтириш мумкин.

Эсперантога кўп халқаро сўзлар кириб келганидан, энди уни ўрганувчилар фильм, отел ва бошқа кўп таниш сўзларни учратадилар. Айниқса, роман тилларида сўзловчиларга яхши. Чунки улар эсперанто тилидаги сўзларнинг 90 фоизига тушунишади.

Ёз гашти.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН - ЖАҲОН РЕЙТИНГИДА

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Футбол уюшмалари халқаро федерацияси - ФИФА ўзининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси олтмиш тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Янги жадвалда дастлабки кучли еттиликда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини кўриш мумкин. Жаҳон ва Европа чемпиони - Франция ҳамон биринчи поғонани эгаллаб турибди. Кейинги ўринларда Бразилия, Аргентина, Италия, Португалия, Испания ва Чехия терма жамоалари жойлашган.

МДҲ давлатлари орасида кучли учликни Россия, Украина ва Ўзбекистон терма жамоалари ташкил этади. Лекин ушбу терма жамоалар май ойида эълон қилинган рейтинг жадвалидаги жойларидан бироз пастлаган. Россия футболчилари саралаш гуруҳида муваффақиятли ўйин кўрсатаётганига қарамай, ўн саккизинчи ўриндан йигирманчига тушиб қолди. Саралаш беллашувларида муваффақиятли иштирок этолмаётган Украина терма жамоаси эса қирқинчи ўриндан уч поғона пастлади.

Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон биринчилигининг саралаш беллашувлари биринчи босқичини муваффақиятли якунлади. Бироқ юртдошларимиз бошқа расмий учрашувлар ўтказмагани сабабли тўрт поғонага пастлаб, олтмишинчи ўриндан олтмиш тўртинчига тушиб қолди.

МДҲга аъзо мамлакатлар терма жамоалари орасида энг паст натижа Қирғизистонга тегишли. Қўшниларимиз жадвалда бир юз олтмиш бешинчи ўринни банд этган.

(ЎзА).

Шахмат ҳангомалари

Мамажон МУҲИДДИНОВ

ЎХШАТИШ

Гроссмейстер Смисловнинг овози жуда ширали эди. М.Талнинг тренери Александр Кобленц Партторождаги ҳудудлараро турнирга келган эди. У бўш вақтларида рус ва итальян тилларида хониш қилишни ёқтирарди. Бир кун унинг олдига бир аёл келиб:

— Жуда мазза қилдим, раҳмат! Қўшиғингиз менга бир улкан санъаткорни эслатди, - деди.

— Энрико Карузонимми? - сўради бу такаллуфдан «эриб» кетган Кобленц.

— Йўқ, Василий Смисловни, - деб жавоб берди аёл.

КИШТ, ХОНИМ!

84 йил умр кўрган машҳур инглиз шахматчиси Блэкберн ўтган асрнинг иккинчи ярмида жаҳон биринчилигига асосий талабгорлардан бири бўлиб, ажойиб комбинациялари билан донг таратган эди.

Блэкберн тахтага қарамай ўйнайвериб мия чарчоғи туфайли «вас-вас» касалига мубтало бўлиб қолди. Назарида ер юзи шахмат тахтасига айланиб, ўзини эса ҳар хил доналар қиёфасида кўра бошлади. Кунларнинг бирида у нотаниш бир жанобнинг қўлини маҳкам тутиб:

— Юришингиз бемаънироқ, тўрт юришда мот қиламан! - деб бақиради. Яна бир сафар эса нотаниш хонимга қараб:

— Кишт, маликам! - деб ўтакасини ёради. «Яхшиямки», - деб ёзади ўзининг ана шу даврдаги ҳаёти мақоласида Блэкберн, - «бирор марта ҳам ўзимни от қиёфасида тасаввур этмабман».

ДУРАНГГА ҚАЛАЙСИЗ, ДОКТОР?

Жаҳон чемпиони Ласкер Бостонда бир неча тахтада бир йўла шахмат ўйнаётганида бир шахматчининг аҳволи жуда танг бўлиб қолди. Лекин у бўш келмай: «Дурангга қалайсиз, доктор?», - деди олдига келган жаҳон чемпионига. Унинг ишонч билан гапириши Ласкерга ёқиб тушди-да, кулиб, дурангга рози бўлди. «Аттанг, унга таслим бўл, десам бўлар экан» деб афсусланди ўзига бино қўйган шахматчи.

МАСАЛА ФАРЗИНДАМИ?

Кунларнинг бирида америкалик миллионер машҳур гроссмейстерларни меҳмонга чақирди ва зиёфатдан илгари улардан бир партия шахмат ўйнашларини илтимос қилди. Ким ютса, каттагина мукофот олажагини ҳам таъкидлади. Гроссмейстерлар ўйинни бошлашдан олдин энди нима қилсак экан, деб бошлари қотди.

Бунинг сабаби, шахмат доналарининг ичига ҳар хил спиртли ичимликлар қуйиб қўйилган. Уларнинг энг зўри — фарзиннинг ичи тўла коньяк эди.

— Менинг шартим бор, - деди мезбон таажжубланиб турган меҳмонларга қараб, - ким қайси донани ютиб олса, ўшанинг ичидагини шу заҳоти ичиши керак.



Рақиблар шоҳлари олдидаги пиёдаларини икки хона олға суриш билан ўйинни бошладилар. Оқ доналарга бошчилик қилаётган муғомбир Ласкер, ўйин принципларига, ўз мавқеига тўғри келмаса-да, иккинчи юришдаёқ фарзини билан рақиб шоҳини нишонга олади. Мароци: «Шуям ўйин бўлди-ю», деган хаёлда яхши юришлардан бирини қилади. Учинчи юришда Ласкер фарзин билан қора шоҳнинг биқинидаги пиёдани урдида, «кишт» берди. Мароци бўлса мийиғида кулиб: «Дўстим, бугун намунча сахий бўлиб кетдингиз», дея «ўлжа»ни дарров уриб олади.

Ласкер-ку, фарзинсиз қолди, лекин коньякни ичиб кўзлари сузилиб қолган Мароци ўйинни ютқизиб, мукофотдан маҳрум бўлди.

ТЎҒРИ ГАП ЭГРИ ТУЮЛГАЧ...

Бир вақтлар америкалик машҳур гроссмейстерлар Решевский билан Файннинг оралари жуда бузилиб кетган эди. Бир неча ой шу тахлитда ўтди. Янги йил кириши олдидан ярашиб олмоқчи бўлишди.

Файн Решевскийга қўл узатди-да, кулиб:

— Ўтган ишга саловат, Сэмми, сен менга нимани раво кўрсанг, мен ҳам ўшани тилайман! - деди.

— Тағин бошлаяпсанми! - деди-да, Решевский зарда билан кетди-қолди.

МАРОҚЛИ МАШҚ

Юриш қоралардан. Сиз қандай ўйнардингиз?

БОШҚОТИРМА

Бўйига: 1.Халқ оғзаки ижоди намунаси. 2.Мамнуният билан берилган юқори баҳо. 3. Ҳалокат. 4.Хонлик даврида қишлоқ оқсоқоли. 5.Куч, салмоқ. 6.Чанқовбосди ичимлик. 7.Маҳаллий иситиш қурилмаси. 9.Бирон шеърда ёзилган кичик лирик драматик вокал асар. 10.Германия пул бирлиги. 13.Кулгили саҳна асари. 14.Ҳарбий қисм жойлашган бино. 15.Эски ҳужжатлар сақланадиган муассаса. 18.Тарашланмаган бриллиант. 21.Ажал фариштаси. 22.Кеманинг чодири. 23.Суньий йўл билан тайёрланадиган эгилувчан модда. 27.Изоҳ бериш, тушунтириш. 28.Сув устига қурилган иншоот. 29.Тропик мамлакатларда ўсадиган қора дарахт. 31.Сув ости экспедицияси бошлиғи. 32.Англияда юқори табақа вакилларининг наслдан-наслга ўтиб борадиган унвони. 33.Спорт майдони.

Энига: 1.Буюмнинг кичрайтирилган нусхаси. 3.Ўтмишдан қолган моддий ёдгорлик. 5.Африкада яшайдиган тарғил тусли ёввойи от. 7.Фикрлашув. 8.Юқори навли тиниқ оқима. 11.Қўнғироқсимон майда оқ гулли ўсимлик. 12.Денгиз флотидаги кичик командир. 15.Ўн икки буржнинг бири. 16.Оғир нарсанинг остига қўйиб уни кўтарадиган махсус асбоб. 17.Ниманинг уруғи топилмайди? 19.Кичик кема. 20.Астарбоп газлама. 24.Шеър ўлчови. 25.Димлаб пишириладиган таом. 26.Шоколад. 29. «... га қилма хиёнат». 30.Эртакнинг бошқа номи. 34.Шарқда донолик тимсоли бўлган шахс. 35.Тоғда ўсадиган ёввойи ўт. 36.Танга балиқ. 37.Кредитнинг акси. 38.Тропик мамлакатларда ўсадиган мевасидан қандолат маҳсулоти тайёрланадиган дарахт.

Тузувчи: Рустам ЗОИРОВ.



Ним табассум

ТЕШИК ҚОЛАДИ

Мактабда Афандидан домласи сўради:

— Насриддин! Тўртдан тўртни олса, нима қолади?

Афанди жавоб беролмади.

— Масалан, чўнтагингда тўрт танга пул бор эди, шу пул чўнтагингдан тушиб қолса, нима қолади?

— Нима қолар эди, танга тушиб кетган тешик қолади, - деб жавоб берди Афанди.

КИР ЗАҒИЗҒОН

Афандининг хотини кир ювиб ўтирар эди, бирдан совунни заҳизғон олиб қочди. Хотини унинг орқасидан ҳай-ҳайлаб қувлаган эди, Афанди:

— Қўявер, хотин, заҳизғоннинг усти-боши бизникидан ҳам кир экан, - деди.

Истеъдод

ЁШ МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида риштонлик истеъдодли ижодкор, Зулфия номидаги мукофот совриндори Муҳайё Тешабоеванинг шахсий кўргазмаси очилди. Ундан кулолчилик, ҳайкалтарошлик, рангтасвир йўналишларидаги 150 дан ортиқ асар ўрин олган.

Ўқувчи қизнинг ижод намуналари мавзулар рангбаранглиги, ранглар ёрқинлиги билан ажралиб туради. Унинг кулолчиликка оид изланишлари, Алишер Навоий асарлари асосида сопол буюмларга ишлаган миниатюралари томошабинларга, айниқса манзур бўлмоқда.

- Кўргазмага кейинги икки-уч йил давомида яратилган энг сара ижодий ишларимни олиб келганман, - дейди Муҳайё. - Мамлакатимиз Президентининг ёш, иқтидорли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли менинг камтарона меҳнатим, изланишларим рўёбга чиқди. Бу мени Риштон кулолчилик мактабининг янгидан-янги қирраларини кашф қилишга, боболаримиз ҳунармандлик меросини бўй-басти билан кўрсатишга ундайди. Келгусида ижодий кўргазмамни мамлакатимиз пойтахтида ташкил қилиш ниятим бор.

Оролбўйидан Фарғонага ёзги таътилда дам олиш учун келган ёшлар ёш рассом кўргазмасининг илк томошабинлари бўлди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6